

# Единый портал корпоративной информации

## Существенные факты

АТБ "Universal bank"  
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

|    |                                   |                                                                                                                                                                                     |
|----|-----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА             |                                                                                                                                                                                     |
|    | Полное:                           | Aksiyadorlik-tijorat banki "Universal bank"                                                                                                                                         |
|    | Сокращенное:                      | АТБ "Universal bank"                                                                                                                                                                |
|    | Наименование биржевого тикера:    | UNVB                                                                                                                                                                                |
| 2. | КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ                 |                                                                                                                                                                                     |
|    | Местонахождение:                  | Ферганская область, г. Коканд, ул.Шохрухобод                                                                                                                                        |
|    | Почтовый адрес:                   | 150700, Ферганская область, г. Коканд, ул.Шохрухобод                                                                                                                                |
|    | Адрес электронной почты:          | <a href="mailto:info@universalbank.uz">info@universalbank.uz</a> (mailto:info@universalbank.uz)                                                                                     |
|    | Официальный веб-сайт:             | <a href="https://www.universalbank.uz">www.universalbank.uz</a> (https://www.universalbank.uz)                                                                                      |
| 3. | ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ   |                                                                                                                                                                                     |
|    | Номер существенного факта:        | 6                                                                                                                                                                                   |
|    | Наименование существенного факта: | Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг |
|    | Вид собрания:                     | заседания наблюдательного совета                                                                                                                                                    |
|    | Дата проведения собрания:         | 18.08.2026                                                                                                                                                                          |

|                                      |                                                 |  |
|--------------------------------------|-------------------------------------------------|--|
| Дата составления протокола собрания: | 18.08.2026                                      |  |
| Место проведения собрания:           | Фаргона вилояти, Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчаси |  |
| Кворум собрания:                     | 100,00                                          |  |

| № | Вопросы, поставленные на голосование                                                                                                                                                                                                                   | Итоги голосования |            |        |            |              |            |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|------------|--------|------------|--------------|------------|
|   |                                                                                                                                                                                                                                                        | за                |            | против |            | воздержались |            |
|   |                                                                                                                                                                                                                                                        | %                 | количество | %      | количество | %            | количество |
| 1 | Банкнинг чет эл валютасида номиналланган облигацияларини чиқариш ва уларни «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими доирасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда уларни чиқариш параметрларини тасдиқлаш                              | 100,0             | 7          | 0      | 0          | 0            | 0          |
| 2 | Агент банк билан чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги шартномани ва Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси билан облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузиш | 100,0             | 7          | 0      | 0          | 0            | 0          |
| 3 | Валюта облигациялари чиқарилишини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича андеррайтер ва брокерни тасдиқлаш                                                                                                                                                  | 100,0             | 7          | 0      | 0          | 0            | 0          |
| 4 | Банкнинг чет эл валютасида номиналланган облигациялари эмиссияси рисоласини тасдиқлаш                                                                                                                                                                  | 100,0             | 7          | 0      | 0          | 0            | 0          |

|   |                                                                                                                           |       |   |   |   |   |   |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|---|---|---|---|---|
| 5 | «Тошкент» РФБ «Bond Market»<br>бозорида корпоратив<br>облигацияларни листингга<br>киритиш учун ариза беришни<br>тасдиқлаш | 100,0 | 7 | 0 | 0 | 0 | 0 |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|---|---|---|---|---|

|   |                                                       |
|---|-------------------------------------------------------|
| № | Полные формулировки решений, принятых общим собранием |
|---|-------------------------------------------------------|

1. Банкнинг валюта облигацияларини умумий 10 000 000 (ўн миллион) АҚШ доллари миқдорида чиқариш. Банкнинг валюта облигацияларини жойлаштириш ва муомалада бўлиш шарт ва муддатларини қуйидаги тартибда белгилансин: Мазкур чиқарилиш облигацияларининг тури ва кўриниши: Фоизли номли корпоратив облигация. Мазкур облигациялар чиқарилишининг шакли: Хужжатсиз шаклда. Мазкур чиқарилиш облигацияларининг номинал қиймати: Битта облигациянинг номинал қиймати 100 (бир юз) АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур чиқарилиш облигацияларининг сони (дона): 100 000 (бир юз минг) дона. Жойлаштириш усули ва тартиби: Облигацияларни жойлаштириш чекланмаган миқдордаги инвесторлар ўртасида очик обуна йўли билан амалга оширилади. Жойлаштириш даврида облигацияларни сотиб олиш-сотиш битимлари савдо ташкилотчиларининг қоидаларига мувофиқ уюштирилган савдоларда амалга оширилади. Жойлаштириш муддатлари: Облигацияларни жойлаштириш муддати облигациялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 (уч юз олтиш беш) календарь кундан иборат. Жойлаштиришнинг бошланиш санаси — мазкур облигациялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарнома Корпоратив ма'лумотларнинг ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ([www.universalbank.uz](http://www.universalbank.uz)) эълон қилинган санадан бошлаб 15-(ўн бешинчи) куни. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бундай ҳолатда жойлаштиришнинг бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилади. Жойлаштиришнинг тугаш санаси — мазкур чиқарилишнинг охириги облигацияси жойлаштирилган сана, лекин ҳар қандай ҳолатда жойлаштириш бошланган санадан эътиборан 365 (уч юз олтиш беш) кундан кўп бўлмаган муддат. Жойлаштириш нархи: Ҳар бир оралиқ фоиз даврининг биринчи кунида облигацияларни жойлаштириш нархи уларнинг номинал қийматига тенг бўлади. Мазкур даврларнинг ҳар бирининг иккинчи кунидан бошлаб облигациялар номинал қийматига ЖФД (жамғарилган фоизли даромад) қўшилган ҳолда жойлаштирилади. ТФД қуйидаги формула бўйича аниқланади: 
$$ТФД = Н * С\% * ((T+2-T_i)/365)$$
, бу ерда: Н – битта облигациянинг номинал қиймати: 100 (бир юз) АҚШ доллари; С% – фоиз ставкаси: йиллик 8,5% (саккиз бутун ўндан беш фоиз); T+2 – жойлаштириш битими санасидан иккинчи иш куни; T<sub>i</sub> – битим амалга оширилган оралиқ даврнинг бошланиш санаси. Мазкур чиқарилиш облигациялари учун тўлов шартлари ва тартиби: Мазкур чиқарилишнинг сотиб олинadиган облигациялари учун тўлов чет эл валютасида (АҚШ долларида) Агент банк орқали, капитал бозори соҳасидаги «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими доирасида чет эл валютасида ифодаланган облигацияларни чиқариш, жойлаштириш, муомалада бўлиши ва сўндириш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2026-йил 29-апрелдаги 3826-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009-йил 30-августидagi 2000-сон билан рўйхатга олинган) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 18-декабрдаги ПФ-254-сон Фармони билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Чиқарилишнинг та'миноти: Мазкур чиқарилиш учун та'минот назарда тутилмаган. Муомала муддатлари: Облигациялар муомаласининг бошланиш санаси уларни жойлаштириш бошланган санадан иккинчи иш куни ҳисобланади. Облигациялар муомала бошланган санадан эътиборан 730 (етти юз ўттиз) кун муомалада бўлади. 730 (етти юз ўттиз) кун муомаланинг тугаш санаси ҳисобланади. Мазкур чиқарилиш облигациялари бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати: Облигация эгаси облигациянинг номинал қийматига нисбатан мазкур бандда кўрсатилган фоизларни (фоиз даромадини) олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир Облигация бўйича фоиз даромади ҳар бир оралиқ фоиз даври учун ҳисобланади ва тўланади. Облигацияларнинг муомала даври Биринчи оралиқ даврнинг бошланиш санаси облигациялар муомаласи бошланган санага тўғри келади. Кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш санаси облигациялар муомаласи бошланган санадан бошлаб 90, 180, 270, 360, 450, 540, 630 ва 720-кунларга тўғри келади ва 730-кунида шакллантирилган реестр асосида тўланади. Облигациялар бўйича фоиз

|   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 2 | Банк Бошқаруви Раисига Агент банк билан чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги шартномани, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси билан облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тузилишини таъминлаш топширилсин.                                         |
| 3 | «BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY» МЧЖ Банкнинг мазкур облигациялар чиқарилиши бўйича андеррайтер ва брокер сифатида тасдиқлансин.                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| 4 | Банкнинг чет эл валютасида номиналланган облигациялари эмиссияси Проспекти тасдиқлансин. Бошқарув Раисига (А.А.Буваназаровга) валюта облигациялари чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган санадан бир ой ичида тақдим этилишини таъминлаш топширилсин.                           |
| 5 | Банкнинг чет эл валютасида номиналланган облигацияларини «Тошкент» РФБ «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш маъқуллансин. Банк Бошқаруви Раиси мазкур чиқарилишнинг валюта облигацияларини «Тошкент» РФБ «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш учун зарур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва савдо қоидаларига мувофиқ тақдим этишга ваколат берилсин. |

|                                                                        |                                  |
|------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|
| Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:                            | Буваназаров Алишер Анварович     |
| Ф.И.О. главного бухгалтера:                                            | Курбанов Рустам<br>Рахмоналиевич |
| Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего<br>информацию на веб-сайте: | Исаков Шохрух Илхомович          |

**Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента ([https://  
universalbank.uz/investors/muhim-faktlar](https://universalbank.uz/investors/muhim-faktlar))**

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/14609>

Дата загрузки с портала: 20.08.2026

Дата подписания: 20.08.2026

**UNIVERSALBANK**  
**ATB**  
**Direktor**



**BUVANAZAROV ALISHER**  
**ANVAROVICH**